

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ СИФАТЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

Қосимова Д.П. - доцент в.б.

Жizzах Политехника институт

Тел: +99890229450

**Аннотация:** Ушбу мақолада муаллиф замонавий таълимни ташкил этиш, олий таълимда ўқитиши сифати ва уни ривожлантиришда педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари тўғрисида фикр юритган.

**Annotation:** In this article, the author emphasized the organization of modern education, the quality of teaching in higher education and the specifics of using pedagogical and information technologies in its development.

**Аннотация:** В данной статье автор подчеркнул об организации современного образования, качестве преподавания в высшей школе и специфике использования педагогических и информационных технологий в ее развитии.

**Таянч сўзлар:** стратегия, билим, жамият, педагог, касбий маҳорат.

**Ключевые слова:** стратегия, знания, общество, педагог, профессиональные навыки

**Key words :** strategy, knowledge, society, educator, professional skills.

Олий таълимда ҳам, бошқа соҳалар сингари таълим-тарбия берувчилик олдига мустақил фикрловчи, ўз ақлий, ижодий қобилиятини амалда қўллай оладиган ёшларни тарбиялашни бош мақсад қилиб олганмиз. Бундай мураккаб вазифани бажаришда таълим жараёнини, айниқса техника фанларини ўқитиши жараёнида педагогик технологияларидан унумли фойдаланиб, сифатли билим беришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам талабалар билимини мустаҳкамлашда, таълим жараёнини қизиқарли ташкил этишда педагогик технологияларидан оқилона фойдаланиш ҳозирги давр талабидир.

Олий таълимда педагогнинг бошқарувчилик фаолияти ўз касбининг ижтимоий асосларидан келиб чиқиб, устозларининг бой тажрибасини, уларнинг йиллар давомида билиш, меҳнат, мулоқот, эстетик ҳамда ахлоқий қарашлар жараёнида қўлга киритган ютуқларни эгаллашни шарт қилиб қўяди. Буларнинг барчаси педагогнинг таълим-тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларни амалга оширишида ўз аксини топмоғи лозим. Ана шу асосдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим жараёнида педагог таълим олувчиларига қўлга киритилган билимларни ўргатади.

Техника соҳаларини ўқитишида ҳам бу олийгоҳларнинг ўз олдига қўйган олий мақсадлари ҳар томонлама етук ёшларни тарбиялашни бош мақсад қилиб олиб, бу мураккаб вазифани бажаришда таълим жараёнини, айниқса техника фанларини ўқитиши жараёнида педагогик технологияларидан унумли фойдаланишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам талабалар билимини мустаҳкамлашда, таълим жараёнини қизиқарли ташкил этишида педагогик технологияларидан оқилона фойдаланиш ҳозирги давр талабидир.

Педагогик технологияларни қўллаш – бу тажриба жараёни эмас, балки уни ўқиши жараёнига тадбиқ қилишда дидактик талабларга риоя қилиш кераклиги ва шу билан бирга ўқитувчининг маҳоратини ижодий ишлаш имкониятларининг синови сифатида қабул қилиш лозим.[2]

Педагогик технологияларга амал қилиш ўқитувчининг ўз фани бўйича кенг миқёсида билимларга эга бўлиши ва шу билимларни ўқув жараёнига қўллай билишни талаб қиласди. Шу боис таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйишида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳар бир педагогнинг шахсий имкониятлари, касбий маҳорати ҳамда ижодкорлик лаёқати даражасига боғлиқ. Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичидаги юксак натижаларга эришишдир. Техник терминлар ва билимларни талабаларга етказиб бериш давомида маълум фаолият, кўнікма ва малакаларини шакллантириш, талабалар томонидан эгалланган назарий ва амалий билимлар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни, таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.[1]

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда талабаларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи, таълим тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллашга доир катта тажриба тўпланган бўлиб, бу тажриба асосини интерактив методлар ташкил этади.

Аввало, педагогик талабларнинг тўғри қўйилиши, педагог ва талаба ўртасидаги муомала маданияти, талаба билимини тўғри баҳоланиши таълим жараёнини ташкил этишининг муҳим белгиларидан ҳисобланади.[3] Мана шундагина ҳаттоки, билишни ҳоҳламайгина мудроқ ўтирган талаба ҳам дарс жараёнига киришиб кетганини сезмай қолади. Мана шундай қизиқарли методлардан “Тушунчалар таҳлили”, “9 олмос донаси”, “Домино”, “5x5x5”, “ББ”, “Бумеранг”, “Кластер” каби методларни мисол қилиш мумкин. Мазкур методлар юқорида айтиб ўтилганидек, техника фанларини ўзлаштириш жараёнида ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш, таълим сифатини яхшилаш, ҳар бир талаба шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт- шароит яратишда муҳим аҳамият касб этади. Техникавий фанларни ўқитишида фойдаланиладиган интерактив методларни танлашда ўрганилаётган

мавзу ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масалага эътибор қартишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Бу жараёнда ўқитувчидан касбий маҳорат, малака, билимдонлик, сезигирлик, интуицияга эга бўлишини тақозо этади.

Бу методлар ўз моҳиятига кўра талабаларда билиш фаоллигини ошириш, кичик гуруҳларда ишлагандага мусобақа уюштириш, муаммолар бўйича шахсий қарашларини дадил, эркин ифодалаш, ечимини топганлар учун рағбатлантириш имкониятларига эга эканлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Мана шу қизиқарли методлар туфайли, талабаларнинг техника фанларини ўзлаштириш жараёнида у қадар қийинчиликка учрамайди, хам қизиқарли, ҳам талабаларда мулоқатга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантиқий фикрлаш каби қобилиятларни тарбиялаш учун кенг имкониятлар яратади.[3]

Устоз шогирдларни фаоллаштирадиган, ўзи ва ўрганувчи учун қулай бўлган йўлларни, усул ва услубларни, ўқитиши шакллари, метод ва вазиятларни излайди, замонавий педагогик технологияга суюниб, ўкув жараёни самарадорлигини оширади. Талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиб, ўкув жараёнининг юқори сифат ва самарадорлигига эришади.

Ҳар қандай юқори савияда ўтказилган ҳоҳ у маъруза бўлсин, ҳоҳ амалий дарслар бўлсин, гарчанд у фактларга бой бўлса ҳам, агар узоқ вақт давом этса, ўкувчининг эшитиш қобилияти сусаяди ва чарчайди. Бу ҳолат талабани лоқайд эшитиувчига айлантиради. Амалий дарсларда машғулотлар кичик –кичик гуруҳларга бўлиб ўтилганда педагогик технологиялардан фойдаланий унча мураккаб эмасдек туйилади, лекин юқорида айтиб ўтилганидек устознинг маҳорати, билими бўлмаса, бундай вазиятда ҳам талабанинг машғулотга муносабати дарров ўзгара бошлайди. Маъруза дарсларида ҳам, айниқса техника соҳалари олийгоҳларида, маъруза соатлари қанча узоқ давом этса, самарадорлик шунча камая боради. Шунинг учун маърузани кичик педагогик технология асосида ташкил этиш талабалар учун қулайлик туғдиради. Маърузачи ўз маърузасини бир неча қисмларга бўлади. Ҳар қисмини 15—20 минут давом эттиради ва ҳар бир бўлимдан сўнг тўхтаб, мавзу билан боғлик қиска саволжавоб, фикр алмашув олиб боради. Маъруза давомида айрим муаммоларни ўртага ташлайди. Шу вақт оралиғида бу муаммога ўкувчиларнинг муносабатини аниқлайди, уларнинг фикрларини тинглайди. Ҳар бир фикр билдирувчига имконият яратади. Аммо уни танкид остига олмай, бошқаларнинг фикрларини ҳам тинглайди. Бу ҳолат маърузага бўлган муносабатни ижобий томонга ўзгартиради, маърузага бефарқ қарамасликка сабаб бўлади.[5]

Хозирги кундаги энг долзарб масала ва вазифа таълим стандартларини ўкув жараёнига татбиқ, этишдан иборатдир. Агар бу вазифа амалга оширилмас экан, таълим-тарбия соҳасида сифат ва самарадорликка эришиш, ўкув

жараёнини такомиллаштириш масалалари ҳал этилмай колади. Илғор педагогик технологияларни ўкув жараёнига татбик, этиш учун унинг илмий-амалий механизмини яратиш зарур.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Толипов Ў, Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. Тошкент. 2006 йил.
2. Рўзиева Д, Усмонбоева М, Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: қўлланилиши ва моҳияти. Тошкент. 2013 йил
3. Қосимова Д. Ҳорижий тилларни ўқитишида педагогик технологиялардан фойдаланишнингмоҳияти. Наманган. 2023 йил
4. Таълимда янги педагогик технологиялар: муаммолар, ечимлар. Илмий-амалий конференция материаллари. Т., Ўз ПФИТИ, 1999.
5. Йўлдошев Ж .F., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. Кўлланма. Тошкент: Ўқитувчи. 2004.